

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКПЎЛАТОВ УЛУҒБЕК РАҲМАТУЛЛА ЎҒЛИ

**СИММЕТРИЯ ВА АСИММЕТРИЯ
(ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по философским наукам**

**Content of the abstract dissertation of the doctor of Philosophy (PhD) on
philosophical sciences**

Бекпўлатов Улуғбек Раҳматулла ўғли Симметрия ва асимметрия (замонавий фалсафий таҳлил)	5
Бекпулатов Улуғбек Раҳматулла угли Симметрия и асимметрия (современный философский анализ)	19
Bekpulatov Ulugbek Rakhmatulla ugli Symmetry and asymmetry (modern philosophical analysis)	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of publications	39

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.02.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БЕКПЎЛАТОВ УЛУҒБЕК РАҲМАТУЛЛА ЎҒЛИ

**СИММЕТРИЯ ВА АСИММЕТРИЯ
(ЗАМОНАВИЙ ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ)**

09.00.01 - Онтология, гносеология ва мантик

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Fal51 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида (samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Сафарова Нигора Олимовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Маҳбуба Нуриллаевна,
фалсафа фанлари доктори, профессор
Бердимуродова Алима Карлыбаевна
фалсафа фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.02.02 рақамли Илмий кенгашининг 2018 йил «___» _____соат ___даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самарқанд давлат университети Тарих факультети, 1-қават, 105-хона)

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел: (0366) 239-13-87, 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2018 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2018 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси.)

Б.О.Тураев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, фалсафа фанлари
доктори, профессор

А.Р. Самадов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби,
фалсафа фанлари номзоди, доцент

Ш.С. Кушоев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
фалсафа фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон цивилизациясининг ҳар қандай босқичида инсоният манфаатлари ўртасидаги симметрия ва асимметрия бирлигини таъминлаш барқарор тараққиёт учун асос бўлган. Инсоният этиёжлари кескин ортиб бораётган тараққиётнинг бугунги босқичида ҳам манфаатлар ўртасидаги симметрия ва асимметрия бирлигига эришиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. Бу эса, симметрия ва асимметрия бирлигини таъминлашнинг янги мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда бу жараёни янги босқичга кўтариш заруратини юзага келтирмоқда.

Жаҳон илм-фани тараққиётида симметрия ва асимметриянинг материя хусусиятларини шаклланишидаги ўрни, ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ва жамиятни барқарор ривожлантиришдаги аҳамияти каби замонавий фалсафий масалаларини тадқиқ этиш долзарблик касб этмоқда. Бу эса, симметрия ва асимметрия ғояларининг классик, ноклассик ва постклассик фанлардаги мазмунини ҳамда чегараларини, фалсафий-методологик асосларини, замонавий илмий билишдаги гносеологик имкониятларини, ижтимоий борлиққа тегишли бўлган хусусиятларини замонавий фан парадигмалари асосида ўрганишни талаб этади. Дарҳақиқат, мураккаб олами симметрия ва асимметриянинг ўзаро муносабатларидан ташкил топган онтологик воқелик сифатидаги замонавий фалсафий таҳлили табиат, жамият ҳамда тафаккур ҳодисаларини объектив билиш ва инсониятнинг адекват фаолиятини таъминлашга хизмат қилувчи янгича методологик ёндошувларни ишлаб чиқиш имконини беради.

Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламдаги ислоҳатлар, фундаментал тадқиқотлар инсон ва жамият ҳаётидаги турли симметрик ва асимметрик ҳолатларни қамраб олади. Зеро, фуқаролик жамиятини ривожлантиришда «...манфаатлар мувозанати принципи бузилишига йўл қўймаслигимиз зарур»¹. Бу эса фуқаролар манфаатлари ўртасидаги симметрия ва асимметрия бирлигини таъминлаш масаласини кун тартибига қўймоқда. Шунинг учун ҳам ижтимоий борлиқнинг симметрик ва асимметрик хусусиятларини замонавий фалсафа парадигмалари асосида тадқиқ этиш долзарб масалага айланмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги ЎРҚ–406-сон «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» Фармони ҳамда 2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили»да амалга оширишга оид давлат Дастури

¹ O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi. – Toshkent.: O'zbekiston, 2017. 20 - b.

тўғрисидаги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологиялар ривожланишининг «I. Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Симметрия ва асимметриянинг фалсафий жиҳатлари билан дастлаб Қадимги Юнон олимлари, кейинчалик Шарқ ва Ғарб алломалари қизиқишган. IX - XII асрларда Шарқнинг буюк мутафаккирлари Абу Наср Форобийнинг ижтимоий-сиёсий ғояларида ҳамда Абу Райҳон Берунийнинг табиий-илмий ижодида симметрия ва асимметрия ғояларига оид муҳим фалсафий фикрлар ёритилган. Кейинчалик Ғарб олимларидан Г.Лейбницнинг олдиндан ўрнатилган уйғунлик, олам барча қисмларининг ўзаро мослашганлиги ҳақидаги ғояларида, И.Кантнинг жонли табиатда ўнг ва чап томонлар симметриясига оид ишларида, Г.Гегелнинг борлик ва тафаккурнинг айнанлиги, моҳият ва ҳодиса ўртасидаги мутаносиблик ҳақидаги қарашларида симметрия ва асимметриянинг фалсафий жиҳатларига оид муҳим хулосалар келтирилган.

Симметрия ва асимметриянинг фалсафий жиҳатларига оид махсус тадқиқот ишлари асосан XX асрнинг иккинчи ярмидан кейин бошланди. Классик ва ноклассик фанлар ракурсида симметрия ва асимметриянинг онтологик, гносеологик жиҳатлари, уларнинг фан ва фалсафа категориялари билан алоқа-дорлиги масалалари В.Готт, А.Перетури, Н.Депунчик, И.Акопян, Ю.Сачков, Н.Овчинников, А.Урсул, Ю.Урманцев, Н.Османов, В.Жог, В.Моисеев каби олимларнинг ишларида тадқиқ этилган¹.

И.Пригожин, Г.Хакен, И.Стенгерс, Г.Николис, С.Капица, С.Курдюмов, Г.Малинецкийлар турли системаларда симметрия бузилишининг янги сифатга эга бўлган структуралар ҳосил бўлишидаги аҳамиятини, Б.Мандельброт, Р.Кроновер, Ж.Глейклар эса динамик системаларда хаоснинг табиатини билишда фрактал симметриянинг имкониятларини тадқиқ этганлар².

Р.Пенроуз, Д.Шехтман, Р.Бергерд, Р.Робинсонлар симметриянинг ҳар хил турларидан фойдаланган ҳолда текисликни қолдиқсиз тўла қоплашнинг назарий моделини яратиб, квазикристалларни кашф этди. Бу эса конденсирланган ҳолатлар физикасининг очилишига йўналиш берди.

¹Готт В.С. Философские вопросы современной физики. – М, Высшая школа, 1988. – 343 с., Урманцев Ю.А. Симметрия природы и природа симметрии. Философские и естественнонаучные аспекты. Монография. – М, Институт компьютерных исследований, 2004. – 229 с.

²Пригожин И., Стенгерс М. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М, Прогресс, 1986. – 432 с., Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М, Мир, 1985. – 423 с., Мандельброт Б. Фрактальная геометрия природы. – М, Институт компьютерных исследований. 2002. – 656 с.

Симметрия ва асимметриянинг замонавий фалсафий таҳлилига оид тадқиқотларни Ю.Абдулкадиров, К.Майнцер, В.Афанасева, Ю.Хисматуллина, Х.Ягафарова, К.Мартинович, Н.Голубева, И.Верещагин каби файласуфларнинг ишларида кўриш мумкин. Ушбу тадқиқотларда симметрия ва асимметриянинг замонавий физикавий билишдаги ўрни, тартиб ва хаос, ўз-ўзини ташкиллаштириш каби баъзи категориялар билан ўзаро алоқадорлиги, жонли структуралар ташкиллашиши ва тараққиётидаги, шунингдек, трансформация жараёнларидаги аҳамияти каби масалалар тадқиқ этилган¹.

Ўзбекистонда файласуфлардан О.Файзуллаев табиатдаги тартиб ва тартибсизликнинг бирлигини симметрия ва асимметрия бирлигининг оқибати сифатида қарайди, М.Абдуллаева эса ўрта аср Ислום цивилизациясидаги нақш санъатининг ривожидида симметрия ва гармония ғояларининг тутган ўрнини, илмий ижодиётда асимметриянинг конструктив аҳамиятини, Б.Тўраев борлиқ структурасида фазо ва вақтнинг симметрик ҳамда асимметрик хусусиятларини, Ш.Қўшоқов диалектика категориялари асимметриясини, К.Утуров материянинг тартибланиш ҳолатини билишда симметрия тушунчасининг гносеологик жиҳатларини, А.Азизкулов ўнг ва чап миянинг функционал асимметриясини, М.Ниязимбетов илмий билишда фрактал симметриянинг мураккаб тизимларни моделлаштиришдаги роли ва аҳамиятини, Д.Бозоров ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларида симметрия бузилишининг баъзи томонларини фалсафий-методологик жиҳатдан таҳлил этганлар.

Аммо симметрия ва асимметриянинг материя хусусиятларини шаклланишидаги ўрни, жамият тараққиётидаги аҳамияти каби фалсафий масалалари постноклассик фан парадигмалари контекстида тизимли тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Харакатлар стратегияси контекстида умуминсоний қадриятлар ва жамият барқарорлиги» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади симметрия ва асимметрия бирлигининг материя хусусиятларини шаклланишидаги ўрнини ҳамда жамият тараққиётидаги аҳамиятини илмий - фалсафий жиҳатдан асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

симметрия ва асимметрия ғояларининг генезиси ҳамда ривожланиш босқичларини ўрганиш;

¹ Абдулкадыров Ю.Н. Роль принципа симметрии в научном познание: Автореф. дисс. ...док. филос. наук. – М, 1997. –34 с., Афанасьева В.В. Детерминированный хаос: феноменологической–онтологический анализ. Автореф. дисс.... док. филос.н. – Саратов, 2002. – 20 с. Голубева Н.А. Диссимметрическая концепция трансформации: онтологическое содержание: Дисс. д-ра филос.наук. – Волгоград, 2014. – 322 с., Верещагин И.А. Паранаука XX века. Синергетика. Гиперсимметрия. Оригинал–макет подготовлен в БФ ПГТУ, доработан 2013 – 2014. – 634 с.

симметрия, диссимметрия ва асимметриянинг фалсафий-методологик асосларини аниқлаш ҳамда концептуаллаштириш;

симметрия ва асимметрия тамойилларининг физикавий билишдаги роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

симметрия ва асимметрия ғояларининг постноклассик фанлардаги мазмунини фалсафий таҳлил этиш;

материя хусусиятларининг шаклланиш механизмини билишда симметрия ва асимметрия ғояларининг методологик ролини аниқлаш;

ижтимоий ҳодисаларда симметрия ва асимметриянинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ҳамда уларнинг жамият тараққиётидаги ўрни ва аҳамиятини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объектини борлиқнинг симметрик ва асимметрик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг предмети симметрия ва асимметриянинг замонавий фалсафий жиҳатларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг тарихийлик ва мантиқийлик бирлиги, анализ ва синтез, индукция ва дедукция, аналогия ва қиёслаш, таснифлаш, диалектик таҳлил, синергетик таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

диссимметрия ҳодисаси орқали симметриядан асимметрияга ва аксинча ўтиш жараёнлари диалектиканинг айният, тафовут, қарама-қаршилик категориялари контекстида асосланган;

замонавий илмий билишда симметрия ва асимметрия тамойилларининг системалаштирувчи, синтезловчи, умумлаштирувчи функциялари кўрсатиб берилган;

симметрия ва асимметрия тамойилларининг классик, ноклассик, постноклассик фанлардаги мазмуни нисбийлик, инвариантлик ва фракталлик хусусиятлари асосида очиб берилган;

симметрия ва асимметрия бирлиги тамойилининг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, ростловчи, барқарорлаштирувчи функциялари ёритилган ҳамда уларнинг жамият тараққиётидаги аҳамияти кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

симметрия ва асимметрияга оид ғояларнинг генезиси, ривожланиш босқичлари, уларнинг тарихий даврларга боғлиқ ҳолда шаклан ва мазмунан ўзгариши ёритиб берилган;

борлиқдаги ҳар қандай ўзгариш жараёнларини симметриядан диссимметрия орқали асимметрияга ва аксинча ўтиш қонунияти контекстида фалсафий таҳлил этиш мумкинлиги, бу эса ўзгаришлар механизмини адекват ифодалай олиш имкониятини бера олиши аниқланган;

«Ижтимоий масса», «Ижтимоий гравитация» ва «Ижтимоий фракталлик» хусусиятларининг юзага келиш механизми очиб берилган;

«Ижтимоий симметрия», «Ижтимоий асимметрия» ва «Ижтимоий диссимметрия» тушунчаларининг ўзига хос бўлган хусусиятлари ишлаб

чиқилиб, «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» уйғун ривожланиш концепцияси сифатида асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференция материаллари тўпламлари ҳамда ОАК рўйхатидаги миллий ва хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, монографиялар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб тизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларини билишга оид илмий-назарий, фалсафий қарашларни тўлдириши ва кенгайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти жамият тараққиётини белгилайдиган муайян ижтимоий лойиҳаларни, инновацион ишланмаларни яратишда, ижтимоий институтлар фаолиятида қўлланиладиган усул ва воситалар самарадорлигини оширишда, шунингдек, давлат миқёсидаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқишда, «Ҳаракатлар стратегияси»да кўрсатилган аниқ вазифаларни амалга оширишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Симметрия ва асимметриянинг замонавий фалсафий таҳлили натижаларидан:

симметрия ва асимметрия бирлиги тамойилининг ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, ростловчи, барқарорлаштирувчи функциялари бўйича олинган хулосаларидан «Ёшлар иттифоқи фаолияти доирасида, хусусан «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» Давлат дастури ҳамда «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» нинг мазмун-моҳиятини ёшларга тўлақонли етказишда ва уларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга бағишланган тадбирларда кенг фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 10 июлдаги 04-13/3554-сон маълумотномаси). Натижада жамият ва давлат манфаатларига мувофиқ равишда фаолият олиб борадиган, юксак маънавиятли, инновацион ва креатив тафаккурга эга ёшларни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этган;

симметрия ва асимметрия тамойилларининг классик, ноқлассик, постноқлассик фанлардаги мазмуни, гносеологик жиҳатлари ҳамда диссимметрия ҳодисаси орқали симметриядан асимметрияга ва аксинча ўтиш жараёнларининг диалектикасига оид хулосалардан бакалавриат таълим йўналиши талабаларига Фалсафа фанининг «Онтология – борлиқ фалсафаси. Фалсафада субстанция ва материя муаммоси», «Диалектика қонунлари ва категориялари», «Экологик тоза энергия турлари ва нанотехнологиялар» фанидан «Нанотехнологиялар келажак технологияси» мавзулари, «Физика ва астрономия ўқитиш методикаси» таълим йўналиши талабаларига «Модда тузилиш назарияси» фанидан «Кристал тоифалари. Кристаллар

симметрияси» мавзуларини ўқитишда самарали фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 10 июлдаги 89-03-2586 - сон маълумотномаси). Илмий – тадқиқот иши натижалари юқорида таъкидланган фанларни такомиллаштириш ва ўқитиш сифатини оширишга қаратилган;

ижтимоий симметрия ва асимметриянинг жамият таракқиётидаги конструктив аҳамиятига оид тадқиқот натижалари ва материалларидан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «O'zbekiston» телерадиоканали ДУК «Маданий-маърифий ва бадиий эшиттиришлар» муҳарририятининг «Бедорлик», «Таълим ва таракқиёт» номли эшиттиришларида фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2018 йил 25 октябрдаги O'z/R-1-175-сон маълумотномаси). Бу эса жамоатчиликни мамлакатимизда юз бераётган конструктив характердаги асимметрик ўзгаришлардан хабардор қилиш ва бу ўзгаришларга ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олиш ҳиссини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этган;

мамлакатимизда маънавий-маърифий соҳада юз бераётган конструктив характердаги асимметрик ўзгаришлар самарадорлигини янада оширишга оид тавсияларидан Республика Маънавият ва маърифат марказининг «2018 йилдаги маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтаришга доир қўшимча чора-тадбирлар дастури» V бўлимининг 4-банди «Терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик, сепаратизм, одам савдоси, «оммавий маданият», наркобизнес ва бошқа таҳдидларга қарши самарали курашиш» мақсадида «Жаҳолатга қарши маърифат» мавзусида тарғибот плакатлари, буклетлар, флаерлар нашр этиш ва тарқатиш, 42-банди «Интернет майдонида ички ва ташқи таҳдидларга қарши самарали курашишни таъминлаш» мақсадида «Интернет майдонидаги маънавий таҳдидлар ва уларга қарши курашишнинг усуллари» мавзусида туркум худудий ва масофавий семинар-тренинглар ташкил этишда кенг фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат марказининг 2018 йил 23 ноябрдаги 02/09-1235-18-сон маълумотномаси). Бу эса ёшлар маънавиятида симметрия ва асимметрия бирлигини таъминлашнинг назарий асосларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида, шунингдек 1 та якка муаллифликдаги, 1 та ҳаммуаллифликдаги монографияларда баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 35 та илмий иш чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 140 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти, предмети, усуллари ёритилган. Шунингдек, илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва илмий-амалий аҳамияти асосланган.

Диссертациянинг «**Симметрия ва асимметрия ғояларининг генезиси ҳамда ривожланиш босқичлари**» деб номланган биринчи бобида бу ғояларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари ўрганилган ҳамда «симметрия», «асимметрия» ва «диссимметрия» тушунчаларини ифодалашдаги методологик муаммолар концептуал таҳлил этилган.

Симметрия ва асимметрияга оид дастлабки тасаввурларнинг пайдо бўлиши одамзот ибтидоий тарихининг энг узоқ давом этган полеолит даврларига бориб тақалади. Бу даврда одамлар симметрияни ҳиссий ва рационал тарзда англаб, табиатдаги даврий такрорланувчи ва қайтар жараёнларни идрок этишган ва шу асосда ўзларининг даврий ҳаёт тарзини яратишга интиланлар.

Инсоният цивилизацияси тарихининг энг қадимги марказларидан бири Кўхна Хоразм бўлиб, бу заминда уч минг йил илгари яшаган зардуштийларнинг муқаддас китоби «Авесто»да симметрия ва асимметрияга оид тасаввурлар аксарият ҳолларда эстетиканинг марказий категорияларидан бири бўлган гўзаллик мабудаси Ахура Мазда яратган уйғунлик ва тартибнинг муштараклиги сифатида талқин этилса, бу муштаракликнинг бузилиши натижасида хунукликнинг юзага келиши эса Анхра Мануга ҳос бўлган хусусиятлар сифатида талқин этилади. Шундай бўлса-да, симметрия ва асимметрияга оид ғоялар ривожланишининг биринчи босқичи, антик давр фани ва фалсафаси учун характерли бўлиб, бунда симметрия – ўлчамлилиқ, пропорционаллик, айнанлик, абстракт бирлик, ўлчов ва ҳақиқат мезони, уйғунлик (гармония) сифатида онтологик асосланганлиги учун, натур-фалсафий характерга эга бўлган. Симметрия априор хосса сифатида қабул қилинган, илмий ва мантиқий исбот талаб қилинмаган. Бундай усулда симметрияни ифодалашда, биринчидан, оламни гармоник ташкиллашиши ва таракқиётида симметрия энг умумий ва универсал хосса сифатида, иккинчидан, табиат ва жамият ҳодисаларида тартибсизликдан тартибга ўтиш жараёнларининг муҳим атрибути сифатида, учинчидан, гўзаллик ва мукамалликнинг ўлчови, мезони ҳамда унга эришиш усули сифатида тушунилган.

Симметрия ва асимметрияга оид ғоялар Ислом динининг муқаддас китоби бўлган «Қуръони карим» оятларида ҳам Коинотнинг яратилишидаги, Ерда ҳаётни ва моддийликни пайдо бўлишидаги мувофиқлик, сайёралар ҳаракатидаги мувозанатлилиқ, тартиблилик сифатида ифодаланган.

Симметрия ва асимметрия ғояларидан Ўрта Осиё мутафаккирлари хусусан, Абу Наср Форобий ва Абу Райҳон Берунийнинг ижодида жуда кенг

фойдаланилган ҳамда кўплаб концептуал ғоялар билан бойитилган. Фөрбийнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида жамият ташкиллашиши ва ҳаётида инсонлар орасидаги ўзаро ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг, мақсадлар муштараклигининг роли ва аҳамиятига оид симметриянинг ижтимоий-сиёсий жиҳатларига хос хусусиятлар ифодаланган бўлса, жонли структураларнинг ташки муҳитга мослашувчанлиги, ўсимликларда таъқиқланган 5- тартибли симметриянинг мавжудлиги, ўнглик ва чапликнинг қарама-қарши бирлиги, оламдаги тартиб ва тартибсизликлар тўғрисидаги Беруний қарашларида симметрия ғоялари ўзининг табиий-илмий мазмунини янада кенгайтирди. Кейинчалик, симметрия ва асимметрияга оид ғояларнинг ривожланиши тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик ҳамда классик механика тараққиёти билан боғлиқ бўлиб, бунда улар перспектив проекция, пропорция, композиция, нисбийлик ва инерция тамойиллари, кристаллар тузилишининг тартиботи сифатида, шунингдек, тенглик, мувозанатлилик, жуфтлик, «олдиндан белгилаб қўйилган гармония», бир жинслилик, изотроплик тушунчалари орқали ифодаланди.

Симметрия ва асимметрия ғоялари ривожланишининг кейинги босқичи кристаллографик давр ҳисобланиб, бунда симметрия тамойиллари тузилмавий шакл олди, ўзига элемент, операция тушунчаларини киритиш орқали, «симметрик нуқта», «симметрия текислиги ва ўқи», «айлантириш», «акс эттириш», «кўчириш», «координаталар ўзгариши» ва бошқа комбинациялар орқали аниқланиб, кристаллографиянинг назарий асосига айланди.

Кейинги босқичда симметрия ғояси назарий - гуруҳлаш методи сифатида майдонга чиқди ва симметриянинг бузилиш тамойили ҳам билиш жараёнида фундаментал методологик принцип мақомини олиб, замонавий тараққиёт босқичида нафақат физиканинг, балки барча табиий-илмий билимларнинг назарий парадигмаларини метапринципига айланди. Бу орқали у ўзининг гносеологик ўзига хослигига эга бўлиб, қатор сақланиш қонунлари ва инвариантлилик тамойиллари билан ифодаланди.

Замонавий фан ва фалсафада симметрия ғоялари – кооператив ҳамкорлик, муросасозлик, муқобиллик, фракталлик каби кўплаб тамойиллар билан янада мазмундорлик касб этиб, оламини, одамни билиш ва англаш жараёнида, ночизиқли жараёнларнинг келажагини башорат қилишда муҳим методологик тамойил бўлиб хизмат қилмоқда. Асимметрия эса симметриянинг юқоридаги барча ҳолатларига қарама-қарши бўлган хосса сифатида ифодаланган. Шундай бўлса-да, кўплаб тадқиқотларда симметриянинг ўзгаришини англаувчи асимметрия ва диссимметрия тушунчалари мазмунини англашдаги, ифодалашдаги методологик муаммоларнинг сақланиб қолаётганлиги, бу тушунчаларни концептуал таҳлил этиш орқали уларга объектив мазмун ва моҳият беришни талаб этмоқда.

Ушбу масалани ўрганиб, таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар чиқарилди:

симметрия – тегишли қайта ташкиллаштиришларда объект ёки улар қисмларининг ўз-ўзига юқори даражадаги айнанлиги бўлиб, бунда объект ёки улар қисмларига тегишли бўлган белгилар, хосса ва хусусиятлар ўзгармасдан сақланади, қонуний такрорланади;

асимметрия – тегишли қайта ташкиллаштиришларда объект ёки улар қисмларининг ўз-ўзига минимал даражадаги айнанлик ҳолати бўлиб, у объект ёки улар қисмларига тегишли бўлган белгилар, хосса ва хусусиятларнинг юқори даражада бузилган ҳолатини, бузилишнинг охириги натижасини ифодалайди;

диссимметрия – симметриянинг бузилиш ҳодисаси бўлиб, ҳали охирига етмаган ёки қарор топмаган асимметрияни ифодалайди. Шунингдек, диссимметрия, симметрия ва асимметрия орасидаги оралиқ ҳодиса бўлиб, унда мавжуд симметрия элементларининг камайиши, янги симметрия элементларининг (асимметриянинг) эса, пайдо бўлиш жараёни содир бўлади. Ушбу жараённинг охириги натижаси эса, янги симметриянинг қарор топишига олиб келади ва бу қарор топган янги симметрия олдинги ҳолатга нисбатан асимметрик бўлади. Лекин, борлиқда абсолют симметрия ҳам, абсолют асимметрия ҳам мавжуд бўлмайди, шунинг учун реал объектларнинг ҳақиқий манзараси диссимметрикдир.

Диссертациянинг «**Симметрия ва асимметриянинг фалсафий-методологик асослари**» деб номланган иккинчи бобида ҳозирги замон фанида симметрия, асимметрия ва диссимметрия муаммоларининг фалсафий-методологик талқини, уларнинг физикавий билишдаги методологик роли, постноклассик мазмуни ҳамда модда хусусиятларини шаклланишидаги аҳамияти таҳлил этилган.

Таҳлилларимиз шуни кўрсатмоқдаки, фалсафий тадқиқотларда симметрия, асимметрия ва диссимметрия категорияларининг асосан табиатшунослик фанларидаги мазмуни устувор жиҳат ҳисобланиб, уларнинг ижтимоий борлиқ ҳамда тафаккур ҳодисаларига тегишли бўлган хусусиятлари етарлича тадқиқ этилмапти. Бунга сабаб, бу категорияларнинг фалсафий-методологик асосларини етарлича концептуал системага келтирилмаганлиги бўлиб, ҳозирда уларни фалсафа тилида ифодалашга зарурат сезилмоқда. Кўплаб фалсафий таҳлилларда симметрия айният категориясининг, асимметрия эса тафовут категориясининг конкрет шакли сифатида қаралган. Лекин, таҳлилларимиз тафовут категорияси симметрия ва асимметрия орасидаги оралиқ ҳодиса ҳисобланган диссимметриянинг мазмунига мос келишини кўрсатмоқда. Шунинг учун айният билан тафовут ўзаро муносабатларини «симметрия ва диссимметрия» контекстида, асимметрияни эса қарама - қаршилик диалектикаси контекстида таҳлил этиш лозим. Борлиқдаги барча объектларга хос бўлган айният ва тафовут муносабатлари вақт ўтиши билан турли таъсирлар ва ўзгаришларга учрайди, натижада айният тафовутга, тафовут эса қарама-қаршиликка айланади. Тафовут қарама-қаршиликнинг бошланиши бўлса, диссимметрия асимметриянинг бошланишидир. Демак, ҳар қандай асимметрия ўз сабабига, тарихига эга бўлиб, диссимметриялашув жараёнининг оқибати ҳисобланади.

Асимметрия тушунчаси симметрияга карама-қарши бўлиб, фалсафий жиҳатдан объект ёки объектлар уюшмасининг бир-бирини истисно этувчи хислат, ҳолат ва томонлари мавжудлигини ифодалайди. Шундай қилиб, «Айнанлик», «Тафовут» ва «Қарама-қаршилиқ» диалектикаси мос равишда «Симметрия», «Диссимметрия» ва «Асимметрия»нинг фалсафий-методологик асоси, дейишимиз мумкин.

Симметрия ва асимметрия тамойиллари илмий билиш эпистемологиясида, айниқса физикавий билишда универсаллик касб этиб, борлиқнинг фундаментал сақланувчи белгиларини акс эттиради, уни субстанционал карама-қаршилиқлари ва моҳиятини, материя шаклларининг хоссаларини, фазо ва вақтдаги ҳаракатининг чуқур мазмунини очиқ беради, физикавий билимларнинг мантиқан тартиблилигини, системалилигини таъминлайди. Методологик жиҳатдан эса, ҳар қандай симметриянинг бузилиши, дастлабки ҳолат симметриясининг ўзгариши ҳисобига янада мураккаброқ симметрияга ўтиш амалиёти билан боғлиқ бўлиб, уни ўрганиш янги қонунларни ва янги симметрия турларини аниқлаш имконини беради. Симметриянинг бузилиш ғояси ўз навбатида бу бузилишни компенсациялаш ғоясини ҳам вужудга келтиради. Симметриянинг бузилишини компенсациялаш ғояси ўхшашлик, гомологик, эгри чизикли ва бошқа симметрия хилларининг комбинациялашган симметрияларга, симметриянинг бошқа турларига ўтишини англатади. Масалан, компенсациялаш ғояси нуқтаи-назаридан электроннинг геометрик симметрияси унинг ҳаракати натижасида кузгули симметрияни юзага келтиради. Ўз навбатида кузгули симметриянинг бузилиши кучсиз ўзаро таъсирлар соҳасида комбинацияланган симметрия билан компенсацияланади.

Шундай қилиб, симметрия ва асимметрия тамойиллари физикавий билишнинг методологик асоси бўлиб, физикавий ходисаларнинг ягона боғланишини ҳамда илмий изланишларда янги қирраларнинг очилишини ўзида тўла ифодалаш имкониятларига эга.

Симметрия ва асимметрия ғояларининг постноклассик мазмуни фракталлик тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, ҳозирги кунда фрактал объектларни ўрганиш илмий ва фалсафий тадқиқотларнинг марказида турибди. Б. Мандельброт табиат геометриясини кашф этиб, уни ўзининг фракталлар назариясида ифодалаб берди¹. Фракталлик – ўз-ўзига ўхшашлик хоссаларига эга бўлган, ҳар навбатдаги ўлчамнинг кичрайишида ёки катталашишида ўзини доимий ва қонуний такрорлайдиган, қисм ва бутун орасидаги моҳиятан чуқур алоқадорликни, ўхшашликни, умумийликни ва айнанликни юқори даражада ўзида мужассамлаштирган тушунчадир. Демак, фрактал симметрия қисм ва бутун диалектикасига янгича моҳият бериб, қисмлардан бутуннинг хусусиятларини ҳамда қисмларда бутуннинг хусусиятларини шаклланиш механизминини билиш имкониятини беради.

Фрактал симметрия бу «соф» геометрик назария бўлмай, у инсоннинг дунёга янгича нигоҳ билан қарашга ундовчи концепция, олдиндан маълум

¹Мандельброт Б. Фрактальная геометрия природы. – М.; Институт компьютерных исследований. 2002. 656с.

бўлган объектларга янгича нуқтаи-назар, борлиқни идрок қилишнинг ўзгартирилган замонавий моделидир. Шундай қилиб, симметрия тушунчасининг мазмуни фракталларда янада кенгаяди ва чексиз кўп сондаги тартибсизликлар орасидаги қонуниятларни аниқлашга имкон беради. Лекин, симметрия ва асимметриянинг постноклассик мазмуни фақат фракталлик хусусиятлари билангина чегараланиб қолмайди, балки у замонавий фалсафий тадқиқотларнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлган мураккаб тизимлардаги ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёнларининг шаклланишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳар қандай мураккаб система ёки бутунлик ўз элементларининг, қисмларининг ўзаро симметриклашуви (мувофиқлашуви) натижасида ўз-ўзини ташкиллаштиради. Шунинг учун бизнингча, бугунги кунда бундай мураккаб ҳодисаларни симметрия ва асимметрия ҳамда уларнинг ўзаро муносабатларидан ташкил топган онтологик воқелик сифатида фалсафий таҳлил этишга алоҳида зарурат сезилмоқда. Бундай мураккаб системаларга мисол қилиб, жамиятда инсонлар ўртасидаги ўзаро ҳамжихатликни, ҳамкорликни, жонли организмларда эса хужайралар тартиботини, миянинг ўз нейронлари билан ёки физикада суюқлик ўзининг молекулалари билан ва ўз навбатида молекулалар ўзининг атомлари, атомлар эса электрон, протон ва нейтронлари билан бўладиган ўзаро мувофиқликларини айтишимиз мумкин. Табиийки, бундай системаларда симметрия билан биргаликда асимметрия ҳам мавжуд бўлиб, у доимо симметрияга қарама – қарши бўлган хусусиятларни юзага келтиришга, уни мураккаблаштиришга, яъни оддий симметриядан янада юқорироқ даражадаги симметрияга томон интилади. Постноклассик илмий тафаккур тарзи нуқтаи назаридан асимметрия воқеа-ҳодисалардаги симметриянинг мураккаблашувига, система структурасининг конструктив ўзгаришига ва унда янгидан-янги хусусиятларнинг пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Демак, мураккаб тизимларда асимметрия ўз-ўзини қайтадан (янгидан) ташкиллаштириш ва ривожланишнинг манбаи, симметрия эса бундай ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилар экан. Бундай ёндошув наноматериалларнинг ноёб хусусиятларини шаклланиш механизмини билиш имкониятини ҳам бериб, наноэлементларнинг ўзаро симметриклашуви натижасида юзага келган сирт энергиясига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг «**Ижтимоий борлиқда симметрия ва асимметрия**» деб номланган учинчи бобида симметрия ва асимметриянинг ижтимоий мазмуни, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жамият таракқиётидаги ўрни ва аҳамияти масалалари таҳлил этилган.

Ҳозирги замон ижтимоий борлиғи ўзининг ўта мураккаблиги ва кескин бифуркацион табиатга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундай мураккаб воқеликни адекват акс этириш ва инсониятнинг мақбул ҳаётий фаолиятини олиб бориши учун янгича методологик тамойилларни, ёндашувларни ишлаб чиқиш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу каби муаммоларни тадқиқ этиш симметрия ва асимметриянинг замонавий фалсафий масалаларидан

бири бўлиб, бунинг учун дастлаб, уларнинг ижтимоий борлиққа тегишли бўлган хусусиятларини аниқлаш, системалаштириш талаб этилади.

Симметрия ва асимметриянинг ижтимоий мазмунини ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш ижтимоий ҳодисалардаги ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини адекват билишда ҳамда ислохотлар самарадорлигини ошириш йўлларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ижтимоий борлиқдаги ҳар қандай ўзгариш ва ривожланиш жараёнларини «ижтимоий симметрия», «ижтимоий диссимметрия» ва «ижтимоий асимметрия» тушунчалари асосида фалсафий таҳлил этиш имкониятлари мавжуд бўлиб, улар ижтимоий ҳодисаларга тегишли бўлган объектив хусусиятлардир.

Ижтимоий симметрия – давлат ва жамият томонидан маълум бир даврда ўрнатилган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий - ахлоқий қонун-қоидалар, меъёрлар тизимидир. «Ижтимоий симметрия» тушунчасининг мазмуни «ижтимоий ҳамкорлик», «адолат», «тотувлик», «консенсус», «якдиллик», «кооперация», «муросасозлик» «жамоавийлик», «маданият», «қадрият», «менталитет» каби бир қатор ижтимоий - фалсафий тушунчалар билан умумий жиҳатларга эга бўлиб, «ижтимоий гравитация» тушунчаси билан жуда чуқур фундаментал алоқадорликка ва бирликка эга.

Ижтимоий асимметрия – ижтимоий симметриянинг юқоридаги тушунчалар билан бўлган умумий томонларининг шундай ўзгаришларини англатадики, унда сифат жиҳатдан янгидан-янги хусусиятлар қарор топишига ва олдинги хусусиятлардан фарқ қилувчи янгича муносабатлар ҳамда ижтимоий меъёрлар тизими шаклланишига замин яратилади. Аслида реал ижтимоий воқеликдаги ўзгаришларни ижтимоий диссимметрия тушунчаси ўзида кенгроқ ва адекватроқ ифодалаш имкониятларига эга бўлиб, у бир вақтнинг ўзида нафақат ўзгариш элементларини (асимметрияни) балки, олдиндан мавжуд бўлган айрим муҳим элементларини (симметрияни) ҳам сақлаб қолади. Бунга мисол қилиб, ўзида «ўзбек модели»нинг характери ва шакл-шамойилини белгилайдиган асосий тамойилларни сақлаб қолган ҳолда уни креатив ва инновацион ғоялар билан бойитган ҳамда ислохотларни амалга оширишнинг аниқ механизмлари билан қуроллантирган «Ҳаракатлар стратегияси»ни ва шу асосда мамлакатимизда амалга оширилаётган конструктив характердаги чуқур асимметрик ўзгаришлар жараёнини айтишимиз мумкин. Демак, жамият тараққиётида симметрия ва асимметрия бирлигини таъминлаш ғояси диссимметрия концепциясининг методологик асоси бўлиб, ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, ростловчи, барқарорлаштирувчи феномен ҳисобланади.

Шундай қилиб, ижтимоий симметрия жамият барқарорлигини таъминлайди, ижтимоий диссимметриялашув натижасида ижтимоий асимметриянинг қарор топиши эса, жамиятнинг барқарор ривожланишини, яъни унда янги, олдингига нисбатан юқори даражадаги симметрик муносабатларнинг ўрнатилишини, жамият ривожланиши янги тенденцияларининг шаклланишини таъминлайди. Бундан ташқари, ижтимоий муносабатларда фуқароларнинг ижтимоий симметрияга риоя этиш

даражасини характерловчи «ижтимоий гармония» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, уни таъминлаш ҳар қандай жамият тараққиётида жуда муҳим аҳамият касб этади. «Ижтимоий гармония» даражаси эса «Ижтимоий симметрия»га боғлиқ бўлиб, унда халқ билан давлат орасидаги манфаатлар мувофиқлигини таъминловчи қонун ва меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бугунги кунда Президентимиз Ш. Мирзиёев бошчилигида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам халқимиз манфаатларини таъминлаш орқали давлатимизнинг барқарор тараққиётини таъминлашдир. Буни Президентимизнинг «Халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва кудратли бўлади»¹, - деган фикрларидан ҳам яққол англашимиз мумкин.

Маълумки, ҳар қандай реал система доимо ўзини ташкил этган элементлар орасидаги, элемент билан система орасидаги ва система билан ташки муҳит орасидаги ўзаро таъсирлашувлар майдонида бўлади. Ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан қарайдиган бўлсак, ҳар қандай жамият мураккаб, очиқ, ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизим ёки диссипатив система бўлиб, бунда яхлитликни ташкил қилувчи система сифатида давлатни, уни ташкил этувчи элементлар (қисмлар) сифатида халқни, ташки муҳит сифатида бошқа давлатларни, халқаро ташкилотлар ва ҳоказоларни, ўзаро таъсирлашув сифатида эса, уларнинг ўзаро муносабатлари натижаларини айтиш мумкин. Шахснинг ижтимоий муҳит билан бўладиган ўзаро муносабатлари натижасида унда, ижтимоий муҳитнинг хусусиятлари шаклланади. Буни фалсафий жиҳатдан қисмда бутуннинг хусусиятларини шаклланиш жараёни сифатида қараш мумкин ва айнан шу жараён ижтимоий борликнинг фракталлик табиатига эга эканлигидан далолат беради. Лекин, ижтимоий фракталлик физик фракталларга нисбатан мураккаб табиатга эга бўлиб, бир шахснинг ўзи турли ижтимоий муҳит таъсирида бўлганлиги боис, унда турли ижтимоий муҳитнинг хусусиятлари шаклланган бўлиши мумкин. Бу вазиятда шахсда давлат ва жамият манфаатларига хос бўлган хусусиятлар симметрияси ва асимметрияси бирлигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда рўй бераётган чуқур ислохотлар ҳам, давлат билан фуқаролар ўртасидаги манфаатлар симметрияси ва асимметрияси бирлигини таъминлашга қаратилган. Бу каби ислохотлар, давлатнинг ижро ҳамда назорат идоралари ходимларининг фуқаролар олдидаги ва фуқароларнинг давлат билан жамият олдидаги мажбурият ва бурчларини онгли равишда изчил амалга оширишни янги пағонага кўтаради. Натижада давлат билан фуқаролар орасида янги мувофиқлик муносабатлар тизими шаклланади. Бу эса инсонлар ўртасидаги манфаатлар симметрияси ва асимметрияси бирлигига эришиш ҳар қандай жамият тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради.

¹Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т., Ўзбекистон, 2016. –Б.15.

ХУЛОСА

«Симметрия ва асимметрия (замонавий фалсафий таҳлил)» мавзусидаги диссертация тадқиқоти бўйича олиб борилган ишлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Классик фанларда симметрия – гўзаллик, тартибот, ўлчамлилик, пропорцианаллик, айнанлик, ўлчов ва ҳақиқат мезони, мақсадлар мувофиқлиги, тенглик, мувозанатлилик, бир жинслилик, изотроплик, инерция сифатида, ноклассик фанларда сақланиш, инвариантлилик, эквивалентлик тушунчалари орқали, постноклассик фанларда эса кооператив ҳамкорлик, мурасасозлик, муқобиллик, фракталлик сифатида ифодаланган. Асимметрия эса симметриянинг юқоридаги барча ҳолатларига қарама-қарши бўлган хосса сифатида тушунилган.

2. Симметриядан асимметрияга ва аксинча ўтиш жараёнлари диссимметрия ҳодисаси асосида юз беради ҳамда унда асимметрия элементлари билан бирга, баъзи симметрия элементлари ҳам сақланиб қолади.

3. «Айният, тафовут ва қарама-қаршилиқ диалектикаси» мос равишда симметрия, диссимметрия ва асимметриянинг фалсафий-методологик асоси бўлиб, уларнинг барча хусусиятларини ўзида мужассамлаштиради.

4. Симметрия ва асимметрия тамойиллари физикавий билишнинг методологик асоси бўлиб, билиш усулини ҳамда физикавий назариялар шаклланишининг тузилмавий компонентини, фикрлар умумий тизимининг асосини, реалликни янгича тушунтиришда адекват бўлган назарий стандартлар ва дунёқарашни шакллантиришнинг янги моделларини юзага чиқаради;

5. Симметрия ва асимметриянинг постноклассик мазмунини фракталлар назарияси ташкил этади. Фрактал симметрия қисм ва бутун орасидаги мураккаб ўзаро алоқадорликлар, айнанликлар моҳиятини аниқлаш имконини бериб, хаотик жараёнларни ўрганишда назарий-методологик асос бўлиб хизмат қилади. Борлиқ голографик тузилмага эга бўлганлиги сабабли табиатда фракталлик хусусиятлари шаклланади;

6. Мураккаб тизимларда юзага келган асимметриклашув ўз-ўзини ташкиллаштиришнинг манбаи, симметриклашув эса асоси бўлиб, турли моддалар хусусан, наноматериалларнинг ноёб хусусиятларини шаклланишида структураловчи сифатида намоён бўлади;

7. Симметрия ва асимметрия бирлиги ижтимоий муносабатларни мувофиқлаштирувчи, тартибга солувчи, ростловчи, барқарорлаштирувчи феномен бўлиб, жамиятнинг барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

8. «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» мамлакатимиз барқарор тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлган, ўзида конструктив асимметрияни мужассамлаштирган уйғунлик концепсиясидир.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.02.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**НАВОИЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БЕКПУЛАТОВ УЛУГБЕК РАХМАТУЛЛА УГЛИ

**СИММЕТРИЯ И АСИММЕТРИЯ
(СОВРЕМЕННЫЙ ФИЛОСОФСКИЙ АНАЛИЗ)**

09.00.01- Онтология, гносеология, логика

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2017.2.PhD/Fa151.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) на веб-странице samdu.uz, по адресу (www.ziynet.uz) информационно-образовательного портала «ZiyoNet».

Научный руководитель:

Сафарова Нигора Олимовна
доктор философских наук, доцент

Официальные оппоненты:

Абдуллаева Махбуба Нуриллаевна,
доктор философских наук, профессор
Бердимуродова Алима Карлыбаевна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный педагогический университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.02.02 по присуждению ученых степеней при Самаркандском государственном университете (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом15. Тел.: (8366) 239-13-87, (8366) 239-11-40; факс: (8366) 239-11-40, e-mail: rector@samdu.uz Исторический факультет Самаркандского государственного университета, 1-этаж, 105-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (Зарегистрирован за номером___). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел.: (0366) 239-13-87; 239-11-40; факс: (0366) 239-11-40

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(Протокол рассылки от _____ 2018 года за номером ___).

Б.О. Тураев
Председатель научного совета по
Присуждению ученых степеней,
д.филол.н., профессор

А.Р. Самадов
Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.филол.н, доцент

Ш.С. Кушаков
Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.филол.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. На любом этапе развития мировой цивилизации обеспечение единства симметрии и асимметрии между интересами человечества являлось основой стабильного развития. На современном этапе развития, когда резко возрастают потребности человека, вопрос достижения единства симметрии и асимметрии между интересами также остается актуальным. Это вызывает необходимость разработки новых критериев обеспечения единства симметрии и асимметрии и возведения этого процесса на новый уровень.

В развитии мировой науки является актуальным исследование таких современных философских вопросов, как место симметрии и асимметрии в формировании свойств материи, их значение в регулировании социальных отношений и стабильном развитии общества. Это требует изучения содержания и границ идей симметрии и асимметрии в классической, неклассической и постнеклассической науках, их философско-методологических основ, гносеологических возможностей в современном научном познании, а также имеющих отношение к социальному бытию их свойств на основе парадигм современной науки. Современный философский анализ сложного мира в качестве онтологического бытия, организованного из взаимоотношений симметрии и асимметрии, дает возможность разработки новых методологических подходов, служащих объективному познанию явлений природы, общества и мышления, а также обеспечению адекватной деятельности человечества.

Осуществляемые в нашей стране широко масштабные реформы, фундаментальные исследования охватывают симметричные и асимметричные состояния в жизни человека и общества. Ибо в развитии гражданского общества «...необходимо не допустить нарушения принципа равновесия интересов»¹. Это ставит на повестку дня вопрос об обеспечении единства симметрии и асимметрии между интересами граждан. Именно поэтому в настоящее время приобретает актуальность исследование вопроса о симметричных и асимметричных свойствах социального бытия на основе парадигм современной философии.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, намеченных в Законе Республики Узбекистан ЗРУ-406 «О государственной молодежной политике» от 14 сентября 2016 года, Указах Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан по пяти приоритетным направлениям» от 7 февраля 2017 года, УП-5308 О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017 — 2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий» от 22 января 2018 года.

¹Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. – Т.: Узбекистан, 2017. – С. 20.

Связь исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с основными направлениями развития науки и технологии республики «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Философскими аспектами симметрии и асимметрии впервые заинтересовались ученые Древней Греции, затем-Восточные и Западные ученые-энциклопедисты. В IX-XII веках философские идеи о симметрии и асимметрии получили отражение во взглядах великих мыслителей Востока - социально-политических воззрения Абу Насра Фараби, естественнонаучных трудах Абу Райхана Бируни. В дальнейшем важные выводы по философским аспектам симметрии и асимметрии были сделаны Западноевропейскими философами, в идеях Г.Лейбница об изначальной гармонии, взаимной согласованности всех составляющих мира, в трудах И. Канта о симметрии правого и левого в живой природе, во взглядах Г.Гегеля о тождестве бытия и мышления, соотношении сущности и явления.

Специальные научные исследования по философским аспектам симметрии и асимметрии начались со второй половины XX века. Онтологические, гносеологические аспекты симметрии и асимметрии в ракурсе классической и неклассической науки, их взаимосвязь с общенаучными и философскими категориями исследованы в трудах В.Готта, А.Пететурина, Н.Депунчика, И.Акопяна, Ю.Сачкова, Н.Овчинникова, А.Урсула, Ю.Урманцева, Н. Османова, В.Жога, В.Моисеева¹.

И.Пригожин, Г.Хакен, И.Стенгерс, Г.Николис, С.Капица, С.Курдюмов, Г.Малинецкий изучали значение нарушения симметрии в различных системах при образовании структур с новыми качествами, а Б.Мандельброт, Р. Кроновер, Ж.Глейк исследовали возможности фрактальной симметрии в познании природы хаоса в динамических системах².

Р.Пенроуз, Д.Шехтман, Р.Бергерд, Р.Робинсон открыли существование квазикристаллов посредством создания теоретической модели полного покрытия плоскости, используя различные виды симметрии. Это способствовало появлению физики конденсированных сред.

Исследования по современному философскому анализу принципов симметрии и асимметрии осуществлены такими философами, как Ю.Абдулкадыров, К.Майнцер, В.Афанасьева, Ю.Хисматулина, Х.Ягафарова, К.Мартынович, Н.Голубева, И.Верещагин. В работах указанных философов исследованы такие вопросы, как место симметрии и асимметрии в современном физическом познании, их взаимосвязь с категориями порядок и

¹ Готт В.С. Философские вопросы современной физики. – М.: Высшая школа, 1988. – 343 с.; Урманцев Ю.А. Симметрия природы и природа симметрии. Философские и естественнонаучные аспекты. Монография. – М.: Институт компьютерных исследований, 2004. – 229 с.

² Пригожин И., Стенгерс М. Порядок из хаоса: Новый диалог человека с природой. – М.: Прогресс, 1986. – 432 с.; Хакен Г. Синергетика. Иерархии неустойчивостей в самоорганизующихся системах и устройствах. – М.: Мир, 1985. – 423 с.; Мандельброт Б. Фрактальная геометрия природы. – М.: Институт компьютерных исследований, 2002. – 656 с.

хаос, самоорганизация, их значение в образовании живых структур, а также в трансформационных процессах¹.

